



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 5 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 8, НОМЕР 5

LOOK TO THE PAST
VOLUME 8, ISSUE 5



ТОШКЕНТ-2025

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Аминова Азиза Марксовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент ирригация ва кишлок
хужалигини механизациялаш
муҳандислари институти
Миллий тадқиқот университети

Худайқулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор,
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Халикова Раҳбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш давлат университети

Маҳкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафасева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори, профессор,
Андижон давлат университети

Расулов Абдуллажон Нуридинович
тарих фанлари доктори, профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Сайнова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Таниева Гулдона Мамановна
тарих фанлари доктори, в.б.профессор,
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий
педагогика университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдулаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозогистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Баҳадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


1. Umurzok Alibekov, Alisher Abdumatov, Ismoiljon Rayimjonov XVIII-XIX ASRNING BIRINCHI YARIMIDA EKOMUHITDAGI O'ZGARISHLAR, SIYOSIY- IJTIMOIY ETNIK JARAYONLAR XUSUSIDA.....	5
2. Nodira Babadjanova MILLATLARARO TOTUVLIK VA DINIY BAG'RIKENGLIK BARQARORLIK OMILI SIFATIDA.....	10
3. Дилмурод Бабожонов ХОРАЗМ ХОНЛИГИДА МАХФИЙ МАҲКАМА ФАОЛИЯТИ.....	16
4. Эргашали Эркаев ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ДАВРИДА ИРРИГАЦИЯНИ ТИКЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ (1928-1932 йиллар).....	27
5. С.И.Габриэльян ПОЛИТИЧЕСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ МУСТАФЫ КЕМАЛЯ АТАТЮРКА: ЭТАПЫ СТАНОВЛЕНИЕ.....	32
6. Zebo Ismatullayeva O'ZBEKISTON VA GERMANIYA MUNOSABATLARIDA XALQ DIPLOMATIYASI O'RNI.....	43
7. Jaxongirbek Jonqobilov SURXONDARYO VILOYATIDA IKKINCHI JAHON URUSHIDAN KEYINGI YILLARDA PAXTACHILIK SANOATINI RIVOJLANTIRISH BORASIDAGI DAVLAT SIYOSATI.....	50
8. Akmal Mengliboyev SOVET HOKIMYATI DAVRIDA SURXONDARYODAGI IJTIMOIIY QATLAMLARNING O'RNATILISHI: QATAG'ON VA JAMOALASHTIRISH SIYOSATINING TA'SIRI.....	55
9. Vafa Quliyeva, Qanira Pirkuliyeva THE ARAN-KARABAKH CARPET SCHOOL (the Karabakh School of carpet weaving).....	62
10. Ботиржон Тожибоев ҚИЗИЛ АРМИЯГА ҚАРШИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ ҚАРШИЛИК ХАРАКАТЛАРИ.....	70
11. Хулкар Холикулова ГЕНДЕР ТЕНГЛИК ВА АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРИ: ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИНИНГ ХАЛҚАРО ТАШАББУСЛАРИ.....	76
12. Бахтиёр Юлдашев, Гулсанам Тилавбаева “АНГРЕН – ПОП” ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛГАН ТЕМИР ЙЎЛ ЛИНИЯСИ ҚУРИЛИШИ ВА УНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИМИЗДАГИ ЎРНИ.....	81



Хулкар Юлдашевна Холикулова,
Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш
академияси “Ижтимоий гуманитар фанлар”
кафедраси доценти, (PhD)
e-mail: Xalikulova81@mail.ru

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК ВА АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРИ: ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИНИНГ ХАЛҚАРО ТАШАББУСЛАРИ

For citation: Khulkar Yu.Khalikulova. GENDER EQUALITY AND WOMEN'S RIGHTS: INTERNATIONAL INITIATIVES OF THE GLOBAL COMMUNITY. Look to the past. 2025, vol. 8, issue 5, pp.76-80

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.15587281>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ҳозирги давргача аёллар ҳуқуқларини халқаро даражада ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий нормаларнинг шаклланиши, ривожланиши ва амалий қўлланилиши таҳлил қилинади. Хусусан, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган декларациялар, конвенциялар, тавсиялар ва стратегиялар орқали гендер тенглигини таъминлаш йўлидаги муҳим қадамлар ёритилади. Мақолада халқаро ҳуқуқда «аёллар ҳуқуқлари» тушунчасининг мустаҳкамланиш жараёни, камситишни бартараф этишга қаратилган ҳуқуқий механизмлар, шунингдек, Ўзбекистоннинг бу йўналишдаги иштирок даражаси таҳлил этилади. Шунингдек, аёлларнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳамияти ва самарасига алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: Гендер тенглиги, аёллар ҳуқуқлари, халқаро ҳуқуқ, БМТ, конвенция, камситиш, инсон ҳуқуқлари, халқаро ҳужжатлар, сиёсий ҳуқуқлар, ижтимоий тенглик.

Хулкар Юлдашевна Холикулова,
Правоохранительные органы Республики Узбекистан
Академия «Социально-гуманитарных наук»
доцент кафедры, (PhD)

ГЕНДЕРНОЕ РАВЕНСТВО И ПРАВА ЖЕНЩИН: МЕЖДУНАРОДНЫЕ ИНИЦИАТИВЫ МИРОВОГО СООБЩЕСТВА

АННОТАЦИЯ

В данной статье проводится анализ формирования, развития и практического применения международных правовых норм, направленных на защиту прав женщин с середины XX века до настоящего времени. Особое внимание уделено ключевым шагам по обеспечению гендерного равенства через декларации, конвенции, рекомендации и стратегии,

принятые ООН и другими международными организациями. Рассматривается процесс закрепления понятия «права женщин» в международном праве, а также правовые механизмы, направленные на устранение дискриминации. Кроме того, в статье анализируется степень участия Узбекистана в соответствующих международных инициативах. Особый акцент сделан на значении и эффективности международно-правовых документов, гарантирующих политические, социальные и экономические права женщин.

Ключевые слова: гендерное равенство, права женщин, международное право, ООН, конвенция, дискриминация, права человека, международные документы, политические права, социальное равенство.

Khulkar Yu. Kholikulova,

Law enforcement agencies of the Republic of Uzbekistan
Academy of “Social and Humanitarian Sciences”
Associate Professor of the Department, (PhD)

ABSTRACT

This article analyzes the development, implementation, and significance of international legal norms aimed at protecting women's rights from the second half of the 20th century to the present day. Special attention is given to the role of the United Nations and other international organizations in adopting key documents such as declarations, conventions, recommendations, and strategic programs that promote gender equality and the legal empowerment of women. The article explores the process of institutionalizing the concept of “women’s rights” in international law, highlights legal mechanisms designed to eliminate discrimination, and examines the extent of Uzbekistan’s participation in these international frameworks. Furthermore, it discusses the evolution of women's political, social, and economic rights and emphasizes the practical importance of international legal standards in ensuring gender equality.

Index Terms: gender equality, women’s rights, international law, UN, convention, discrimination, human rights, international documents, political rights, social equality

1. Долзарблиги:

Глобаллашув жараёни ва инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги тараққиёт туфайли гендер тенглик ва аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммолари бугунги кунда халқаро ҳамжамият диққат марказида турибди. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, БМТ ҳамда бошқа нуфузли ташкилотлар томонидан қабул қилинган декларациялар, конвенциялар ва стратегиялар аёлларнинг тенг ҳуқуқли жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун ҳуқуқий пойдевор яратди.

Бугунги кунда аёлларнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда тўлиқ иштирокини таъминлаш нафақат инсон ҳуқуқларининг кафолати, балки барқарор ривожланиш, тинчлик ва ижтимоий адолатнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда. Шу боис, гендер тенгликни таъминлашга қаратилган халқаро ташаббусларни ўрганиш ва уларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш нафақат илмий, балки амалий жиҳатдан ҳам долзарб аҳамиятга эгадир.

2. Методларва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар – тарихийлик, қиёсий-манتيкий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда жамиятимиз раўнақи йўлида хотин-қизларнинг ўрни ва мавқеининг ошиб бориши, бу борада амалга оширилаётган ислохотлар моҳияти ёритилган.

3. Тадқиқот натижалари.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ва ҳозирги вақтгача аёлларнинг дунёдаги ҳуқуқий ҳолатини ҳимоя қилишга қаратилган нормаларнинг ўрни ортиб бормоқда. Айниқса иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда Гендер тенглиги принципини халқаро миқёсда мустаҳкамлаш ва ундан келиб чиқадиган аёллар ҳуқуқлари тизимини ҳар томонлама

ривожлантириш жараёни бошланиб кетди. Бугунги кунда аёллар ҳуқуқлари бўйича йирик халқаро ҳужжатлар амал қилмоқда ва улар аёллар ҳуқуқларини таъминлаш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу ҳужжатлар декларациялар, тавсиялар, конвенциялар ва ҳаракат дастурлари ёки стратегиялари каби мажбурий ёки тавсиявий характердаги ҳужжатлар шаклида қабул қилинган. Узоқ шаклланиш жараёнини босиб ўтган аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро-ҳуқуқий меъёрлар БМТ томонидан ишлаб чиқилган кўплаб ҳужжатларда ўз аксини топган ва ушбу норматив ҳужжатларнинг такомилли ҳозирги кунгача давом этмоқда[1].

Аёллар ҳуқуқлари бўйича махсус ҳужжатларни универсал ва минтақавий характерга эга бўлган ҳужжатларга ажратиш мумкин. Шунини таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон асосан универсал ҳужжатларда (хусусан, БМТ доирасида қабул қилинган ҳужжатларда), минтақавий ҳужжатларда нисбатан кўпроқ иштирок этмоқда.

Гендер тенглиги учун кураш ҳамда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш БМТ ташкил топганининг дастлабки кунларидаёқ бошланган. Масалан, ушбу халқаро ташкилотнинг таркибидаги 51 давлатнинг фақат 30 тасидагина аёлларга сиёсий, шу жумладан, сайлов ҳуқуқлари берилган эди. Халқаро қонунчиликда ҳам аёллар учун сиёсий ҳуқуқни таъминловчи нормалар белгилаб қўйилмаган[2]. Шу боис, гендер тенглик принципи шаклланишининг дастлабки босқичларидаёқ аёллар давлат лавозимларини эркактар билан тенг даражада эгаллаш имкониятига эга бўлмаган. Натижада халқаро ҳужжатларда «аёллар ҳуқуқлари» тушунчасини мустаҳкамлаш зарурати туғилди. Илк бора БМТ Низомининг 3-моддасида, жинсий белгилар бўйича камситишни тақиқловчи биринчи универсал халқаро-ҳуқуқий қоидалар белгилаб қўйилган. БМТ Низомининг қоидаларида «инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилишни рағбатлантириш ва ривожлантириш» роли жинсидан қатъи назар барча учун бир хил қилиб белгилаб қўйилди[3].

1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳам «барча инсонлар туғилганидан бошлаб ўз кадр-қиммати ва ҳуқуқларида тенг» эkanлиги мустаҳкамланди. Бу, жумладан, жинсга оид фарқларга нисбатан ҳам амал қилган[4].

БМТ экспертлари кейинчалик аёллар масаласига доир турли муаммоларни қайд этдилар. Масалан, аёлларнинг саводсизлиги, уларнинг ижтимоий-иқтисодий имкониятларини чеклаб қўйган. Ҳатто урушдан кейинги даврларда аёллар жамиятнинг умумий даромадларининг 1/10 қисмига эгаллик қилган ва умумий мулкнинг ҳам шунча қисмини бошқарган. Бу ҳолат БМТни аёллар ҳуқуқларини кўшимча ривожлантириш ва таълим, оила ва оналикни муҳофаза қилиш, шунингдек, иқтисодий ҳуқуқларни кенгайтиришга доир қоидаларни ишлаб чиқишга ундади[5]. Натижада 1960-йилларга келиб, илк бора аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари халқаро ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилди. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт (1966 йил) ҳамда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 йил) жинсга оид камситишларнинг ҳар қандай шаклига барҳам берди. Натижада, 1950 йилга келиб БМТ Бош Ассамблеяси томонидан аёлларнинг сиёсий ҳуқуқларини кенгайтириш бўйича «Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция» қабул қилинди[6].

Бугунги кунда гендер тенглиги ва аёллар ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар ишлаб чиқилган ва уларнинг амалиёти мунтазам такомиллашиб бормоқда. БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар мазкур соҳадаги асосий ташаббускорлар бўлиб, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

1960-1970 йилларда аёллар ҳуқуқларини халқаро тартибга солишнинг янги босқичи бошланди. Хусусан, 1967 йилда қабул қилинган «Аёлларга нисбатан камситишни тугатиш тўғрисидаги декларация»ни алоҳида таъкидлаш мумкин. Кейинчалик бу ҳужжат конвенция шаклида расмийлаштирилди.

Конвенциянинг 1-моддасида, 2-моддаси 3-қисмида «аёлларнинг ҳуқуқларини эркактар билан тенг асосда ҳуқуқий ҳимоя қилиш» кафолатланган. Конвенцияда ҳар қандай, ҳатто яширин камситиш кўринишларини тугатиш зарурати илк бор аниқ белгиланган. Қайд этиш жоизки, ушбу ҳуқуқий ҳужжатни ратификация қилган давлатларнинг ҳуқуқий

жавобгарлиги ҳам аниқ белгилаб қўйилган. Бу кафолатлар аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларининг илк ёрқин намунаси ҳисобланади[7].

Гендер тенглиги ва аёллар ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги янги ташаббуслар янги минг йилликда амалга оширилди. 2000 йилда БМТ «2000 йилдаги аёллар: XXI асрда эркаклар ва аёллар тенглиги, ривожланиш ва тинчлик» лойиҳасини амалга оширди. Бу лойиҳа доирасида Нью-Йоркда ўтказилган сессияда аёлларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ривожлантириш бўйича комиссия ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ушбу ташкилотнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолияти доимий асосга эга бўлди ва сессиялар ҳар йили ўтказила бошлади[8].

2015 йил март ойида Аёллар ҳолати бўйича Тўртинчи Жаҳон конференциясининг йигирма йиллиги муносабати билан сиёсий декларация қабул қилинди. Бу декларацияда 2030 йилга келиб жамиятнинг барча соҳаларида эркаклар ва аёллар тенглигига эришиш мақсад қилинган[9].

БМТ XXI асрни демократия ва аёллар асри деб эълон қилди. 2010 йилда ташкил этилган «БМТ-Аёллар» тузилмаси бу соҳада муҳим роль ўйнамоқда. Гендер тенглиги инсон ҳуқуқлари ва БМТнинг инсонпарварлик қадриятлари марказида туради.

Шунингдек, 2021 йилда БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари гендер тенглигини таъминлашнинг янги йўналишлари бўйича ҳисобот берди. Ушбу фаолият доирасида қонунларни трансформация қилиш, гендер зўравонликни тугатиш ва аёллар ва эркакларнинг ҳаётнинг барча соҳаларида тенг иштирокини таъминлаш каби вазифалар белгиланди.

Бугунги кунда Гендер тенглиги ва аёлларнинг меҳнат фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган қатор халқаро қонунчилик ҳужжатлари мавжуд бўлиб бу ҳужжатлар аёлларга эркаклар билан тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиб бериш, ижтимоий-иқтисодий имкониятларини кенгайтириш мақсадида ишлаб чиқилган. Масалан, Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги конвенция гендер тенглигини таъминлаш ва аёлларга нисбатан камситишнинг ҳар қандай турининг олдини олишга қаратилган. Ушбу ҳужжат аёлларга сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳаларда эркаклар билан тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлиши ҳуқуқини кафолатлайди. Аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган яна бир ҳужжатлардан бири инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидир. Ушбу декларациянинг биринчи моддасида эркаклар билан бир қаторда аёллар ҳам тенг ҳуқуқга эга эканлиги таъкидланади. 2-моддасида жинс, irq, миллат ва бошқа белгилар бўйича камситишлар таъқиқланиши белгилаб қўйилган. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (ICESCR, 1966 йил) ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (ICCPR, 1966 йил) ҳам барча шахслар учун тенг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни таъминлайди. Хотин-қизлар ва болаларнинг можароларда ҳимоясини таъминлаш бўйича Женева конвенцияси 1949 йилда қабул қилинган бўлиб уруш бўлаётган мамлакатларда аёллар ва болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида қабул қилинган. Гендер зўравонлигига қарши Стамбул конвенцияси (2011 йил) ҳам хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг барча шакллари тугатиш ва жабрланганларни ҳимоя қилишга қаратилган. Бундан ташқари Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси (1995 йил), Халқаро меҳнат ташкилоти конвенциялари аёлларга эркаклар билан тенг иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқларни беради. Аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланадиган халқаро йирик ташкилотлар бор. Улардан бири Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гендер тенглигини таъминлаш агентлиги ҳисобланади. Ушбу ташкилот бевосита халқаро ҳамжамятда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташаббускори ҳисобланади. Бундан ташқари CEDAW қўмитаси ҳамда ЮНИСЕФ аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилишда катта роль ўйнайди. Ушбу халқаро ҳужжатлар ва ташкилотлар аёлларнинг ижтимоий, иқтисодий, ва сиёсий ҳаётда тўлиқ иштирокини таъминлаш, уларни тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш, жамиятда тенг имкониятлар яратиб бериш йўлида муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

4. Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, гендер тенглиги мамлакатнинг демократик ривожланиш даражаси кўрсаткичи ҳисобланади. Янги Ўзбекистон Конституцияси ва аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг жамиятда фаоллигини оширишга қаратилган барча норматив ҳужжатлар нафақат инсон ҳуқуқларининг асосий қоидаларини акс эттиради, балки гендер тенглигини таъминлашнинг кафолати сифатида ҳам тинчлик, фаровонлик ва барқарор тараққиётга эришиш учун зарур асос ҳисобланади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Воскобитова М.Р. Подходы Европейского суда по правам человека к рассмотрению дел о домашнем насилии в отношении женщин // Международное правосудие. 2017. No 1 (21). С. 85–95.
2. Cohen D. Domestic Violence on the World Stage: Using International Standards as a Framework for Change in United States // Journal on Gender, Race and Justice. 2014. Vol. 4. 1. 1.
3. Cusack S., Pusey L. Cedaw and the rights to non-discrimination and equality // Melbourne Journal of International Law. 2013. Vol. 14. No. 1. P. 56. 55 10.25136/2644-5514.2023.1.37410. Международное право, 2023 – 1.
4. Устав Организации Объединенных наций от 26 июня 1945 г. // Международные акты о правах человека. Сборник документов / Сост. В.А. Карташкин, Е.А. Лукашина. - М., 1999. 3. Всеобщая декларация прав человека // Российская газета. 1995. 5 апр. С.31.
5. Кротова Н.В. ООН и проблема международно-правовой защиты женщин // Гражданин и право. 2007. № 11. С. 12.
6. Агеева А.В. Международные правовые стандарты и проблемы защиты прав женщин // Современные научные исследования: теория, методология, практика. 2013. №3 (3). Т.1. С.9; Международный пакт об экономических, социальных и культурных правах // Права человека. Сборник международных документов. М., 1986. 7. Конвенция о политических правах женщин // Права человека. Сборник международных документов. М., 1986. -С. 122-126.
7. Конвенция о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин // Права человека. Сборник международных документов. М., 1986. -С.126-144
8. Генеральная Ассамблея Организации Объединенных Наций. Специальные сессии. <http://www.un.org/ru/ga/sessions/special.shtml#22spec> (дата обращения: 28.12. 2021.)
9. Бачелет М. Права женщин и гендерное равенство [Электронный ресурс].//http://nbpublish.com/library_read_article.php?id=37271<https://www.ohchr.org/ru/Issues/Women/WRGS/Pages/WRGSIndex.aspx> (дата обращения 03.02.2022).

ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 5 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 8, НОМЕР 5

LOOK TO THE PAST

VOLUME 8, ISSUE 5

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000